# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 3 август, № 152 (6846) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 2 август куни умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари, ўқитувчи ва педагоглар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-оналардан бўлаётган мурожаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар билдирилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, олий таълим муассасалари ректорлари, кенг жамоатчилик вакилларидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда ота-оналар ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилди.

Бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Йиғилишда ота-оналар ва болаларнинг шу борадаги хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овора бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги раҳбарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шу йил 20 августга қадар ҳар бир ўқувчининг аниқ мактаб, лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттиришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Селектор йиғилишида ўқувчилар ва ота-оналарнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатишнинг янги тизими — ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини жорий этиш масаласи муҳокама қилинди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар бу мажмуаларни ўқув жиҳозлари, касб-ҳунар ўрганиш учун зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича масъул идора ва шахслар белгиланди.

Маҳалла фаоллари, нуронийлар, профилактика инспекторлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар ҳокимларига умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини ошириш, ҳар пайшанба — профилактика кунида ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш ва таҳлил натижаларини танқидий муҳокама қилиб бориш вазифаси топширилди.

Янги ўқув йили бошлангунча касб-ҳунар коллежларининг ўқув устахоналари негизида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил қилиб, уларга яқин атрофдаги мактабларни бириктириш, коллежлардан узоқда жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мактабнинг ўз базасида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида чуқурлаштирилган махсус тайёргарликни талаб этмайдиган чилангар, тикувчи, ҳайдовчи, ошпаз, сартарош, каштачи, кулол, қандолатчи, новвой, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи каби жами элликдан зиёд касб-ҳунар ўргатилади. Бу мажмуаларда касб эгаллаган ўқувчиларга 11-синфни якунлаганидан сўнг етуклик аттестати билан бирга, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳам тақдим этилади.

Йиғилишда касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган, дарс соатлари ҳажми камайган ҳар бир ўқитувчини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни янги ўқув йили бошлангунга қадар ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди шахсларга тегишли топшириқлар берилди.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 10-синф ўқувчиларини янгидан ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида замонавий дарсликлар билан таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди, тегишли ташкилотларга дарсликларни вақтида ва сифатли нашрдан чиқариш бўйича уюшқоқлик билан иш олиб бориш вазифаси юкланди.

Йиғилишда иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 10-11-синфларни ташкил этиш, нодавлат таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига жорий йилнинг 20 августига қадар таълим муассасаларини янги ўқув йили, кузги-қишки мавсумга сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини якунлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб темир йўл соҳасини ривожлантиришга бўлган катта эътибор натижасида мазкур тармоқда юксак марраларга эришилмоқда. Бугунги кунга келиб, темир йўл транспорти тизими ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мураккаб тоғ ва чўл шароитларида янги темир йўлларни барпо этиш, тезюрар поездлар ҳаракатини ташкил қилиш, темир йўлларни электрлаштириш, юк ва йўловчи ташиш вагонларини ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши нафақат транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, балки бутун мамлакатни тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган "Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайстоғ", Амударё узра қурилган кўприк, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" ва "Ангрен — Поп" темир йўлларининг қурилиши Ўзбекистонда мустақил, ягона темир йўллар тармоғини шакллантириш имконини яратди.

Мустақиллик йилларида юртимизда темир йўл соҳаси мураккаб тикланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди. Натижада мамлакатимизнинг барча минтақаларини бир-бири билан ишончли ва самарали боғлайдиган ҳамда халқаро транспорт йўлакларига чиқиш имконини берадиган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими барпо этилди.

"Ангрен — Поп" темир йўли ва туннелининг қурилгани ва фойдаланишга топширилгани Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг қолган ҳудудлари билан мустаҳкам боғлади, ушбу темир йўл Хитой — Марказий Осиё — Европа янги темир йўл транзит йўлагининг ажралмас ва муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ва инфратузилмасини янада ривожлантиришга 7,5 миллиард долларлик капитал қўйилмалар, шу жумладан, 2,4 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестициялар йўналтирилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан янги темир йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган инновация лойиҳаларини тармоққа жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш, соҳа учун замонавий билимли кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Темир йўлларда юк ва йўловчиларни ташиш ҳажмини ошириш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида охирги йилларда эришилган ютуқларни ҳисобга олиб ҳамда соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб:

1. 2017 йилдан бошлаб август ойининг биринчи якшанба куни "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни" деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, мутасадди вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини соҳага мос тарзда, тантанали равишда ўтказишни таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 август

---

### ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА



*Шу ҳафта бошида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида экспертлар иштирокида бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида депутатлар уларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Айни пайтда биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига атрофлича тушунтириш, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама этиш борасида амалий ишлар бошланди. Газетамизда ушбу долзарб қонун лойиҳалари юзасидан материаллар бериб борилмоқда. Албатта, бу юртдошларимизнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этишларига, таклифларини билдиришларига имкон яратади.*

## Коррупцияга қарши курашиш — ҳаётий зарурат

Жамиятда коррупциянинг илдиз отиши фуқаролар конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу иллатга қарши курашишни давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қатъий белгилаб берди. Жорий йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, унинг асосий вазифаларини амалга ошириш борасида давлатимиз раҳбарининг қарори ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий базасини яратди.

Хусусан, Республика идоралараро комиссияси мақоми қонун даражасида мустаҳкамланди, унинг ваколат доираси белгиланди. 2017-2018 йиллар учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Айтиш мумкинки, у яқин келажакда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишни назарда тутадиган энг асосий стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси, ҳақиқатан ҳам, долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, бу ижтимоий адолат, илм-фан, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларида аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш шиори остида фаолият олиб бораётган партиямиз учун ҳам муҳим бўлиб, сайловолди дастуримизга тўла мос келади. Ҳозир кенг жамоатчилик ўртасида унинг муҳокамаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Қонун лойиҳаси тўлиқ матни Қонунчилик палатаси расмий веб-сайтига жойлаштирилди. Аҳолининг қонун лойиҳалари юзасидан хабардорлигини ошириш парламент ва жамоатчилик назорати самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

---

# ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОРЗУСИДАГИ УЙЛАР

### пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади




*Инсон қачон ўзини бахтиёр ҳис этади? Қачонки, юрти тинч, оиласи хотиржам, эртасидан кўнгли тўқ, Ватан ичра кичик ватани — ўз бошпанасига эга бўлса. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, шаҳару қишлоқларимизда кечаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан кўзланган мақсад ҳам шу — одамларни бугунги ҳаётидан рози қилиш.*

(Давоми 2-бетда).

---

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

## Депутатлар суд раислари ахборотини тингламоқда

*Халқ депутатлари Пахтачи тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳудуддаги судлар раисларининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан ахборотлари эшитилди.*

Аввало, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди Пахтачи, Каттақўрғон, Нарпай туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри учун масъул эканлигини айтиш зарур.

— Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига жорий йилнинг биринчи ярмида 2 минг 229 та фуқаролик иши келиб тушган, — дейди мазкур суд раиси Т. Қурбонов. — Шундан 1517 та иш бўйича даъво қаноатлантирилди, 262 та иш эса сиртдан қаноатлантирилди, 275 таси бўйича даъволар рад қилинган, 153 таси иш юритишдан тугатилган. Шу даврда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ 406 та иш кўрилиб, 227 та никоҳ бекор қилинди, 29 та ҳолатда яраштирилди, қолганларига эса муддатлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

---

# «ҲУКУМАТ СОАТИ»

### Ҳисоботлар эшитилади, қарорлар қабул қилинади.

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қонунчилик палатасида "Ҳукумат соати" институтини жорий этиш бўйича таклифлар билдирилган эди.*

**ДЕПУТАТ ФИКРИ**

Албатта, бундай механизм ҳукумат аъзоларининг ҳисоботини эшитиш ва шу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинишида долзарб аҳамият касб этади.

Парламент назоратига оид халқаро тажрибани ўрганиш жараёнида айнан Буюк Британия мазкур соҳада энг катта ҳамда бой тажрибага эга эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, унда "Ҳукумат соати" душанбадан пайшанбагача бўлган сессияларда кўриладиган биринчи масала ҳисобланади. Саволларга жавоб бериш навбати ҳукумат аъзолари учун ҳар беш ҳафтада бир тўғри келади.

"Ҳукумат соати" Спикер томонидан қайси депутат саволи рўйхат бошида бўлса, ўша депутатнинг чақирилиши билан бошланади.

(Давоми 2-бетда).

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

*Айтишларича, отнинг қулоқлари орасидан беҳишт шамоли эсиб турармиш. Шунданми, эгарга минган киши дунё ташвишларини унутиб, ўзини руҳан тетик ҳис этар, касаллик эса унинг яқинига йўламас экан. Ота-боболаримиз от парваришланган хонадон файз-баракали бўлишини бот-бот уқтиришининг боиси ҳам шунда.*

*Дарҳақиқат, халқимиз отни инсоннинг чин дўсти, эр йигитнинг қаноти, деб билади. Ўзбек ўғлонлари эса азалдан от ўйнатиб, эгар устида улғайган, десак, муболаға эмас. Бироқ кейинги йилларда йилқичилик соҳаси эътибордан четда қолиб, таназзул ёқасига келиб қолган эди. Бугунги кунда республикамизда жами 211 минг 662 бошдан кўпроқ от мавжудлиги, уларнинг асосий қисми, яъни 85,1 фоизи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаётгани, атиги 9,4 фоизи фермер хўжаликлари, қолгани эса бошқа корхоналарда парваришланаётгани шундан далолат беради, албатта.*

# ТАНАЗЗУЛДАН ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ БУРГАН ТАРМОҚ

## ёхуд йилқичилик ва от спортидаги бугунги ўзгаришлар ҳақида



### Тарихий ҳужжат

Ана шундай мураккаб бир пайтда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилингани айни муддао бўлди. Соҳа фидойиларининг айтишича, у мустақиллик йилларида эълон қилинган тармоққа оид илк ҳужжатдир.

Қарорда йилқичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги авлод чавандозларини тайёрлаш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида от спортини оммалаштириш энг устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Унинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон от спорти федерацияси ваколати кенгайтирилиб, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига айлантирилди.

Бу тармоқ истиқболида қандай бурилиш ясайди?

— Президентимизнинг қарори ўз вақтида қабул қилинган тарихий ҳужжат бўлди, — дейди Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раиси ўринбосари — бош котиб Эльдар Анарбаев. — Унга кўра, йилқичиликни ривожлантириш федерациямиз зиммасига юклатилгани нафақат ушбу тармоқ, балки от спорти истиқболи сари ташланган муҳим қадамдир. Негаки, спортнинг мазкур тури тараққий этиши, халқаро доирада юқори натижаларга эришилиши, энг аввало, йилқичилик равнақига боғлиқдир. Юртимизда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

### Инвестициявий жозибадорлик индикатори

Очиғини айтиш керак, от спорти энг қиммат спорт тури ҳисобланади. Шу билан бирга, сердаромад ҳамдир. У орқали давлатга мўмай даромад келиб тушади. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Францияда ушбу спортдан олинадиган соф фойда йилига ўртача 13 миллиард еврони ташкил этади. Бу кўрсаткич Австралияда 11 миллиард доллар, АҚШда эса 100 миллиард долларга тенг!

— Биласизми, чет эллик инвесторлар бирор давлатга сармоя киритишдан олдин, унинг иқтисодиётини ҳар томонлама ўрганиш чоғида бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишар экан, — дея сўзида давом этади Э. Анарбаев. — Бу йилқичилик ва от спортининг йўлга қўйилганидир. Сабаби, мазкур соҳа ривожи инвестициявий жозибадорлик индикатори ҳисобланар экан. Шу маънода, Ўзбекистонимизни, ҳеч иккиланмай, сармоявий салоҳияти юқори мамлакатлар қаторига киритиш мумкин. Чунки йилқичиликни комплекс тараққий эттириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир.

Чиндан ҳам, юртимизда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу тармоқлар истиқболи порлоқ. Тарихга назар соладиган бўлсак, ҳозирги пайтда соҳада пешқадам ҳисобланаётган айрим давлатларда ҳали йилқичилик йўлга қўйилмаган бир пайтда бизнинг заминда от спорти шаклланиш босқичидан ўтиб, ривожланиш поғонасига етганди. Ахир тўй-тантаналар "Кўпкари", "Оломон пойга", "Ағдариш" каби миллий ўйинларсиз ўтмаган. Полвону чавандозлар, айғирларнинг зўри ана шундай спорт мусобақаларида сараланган.

Афсуски, миллий ўйинларимизга эътиборнинг сусайиши йилқичилик равнақига ҳам соя ташлади. Охир-оқибат зотли отлар камайиб, четникига кўз тика бошладик. Оддий ҳақиқат шуки, бугун юртимиз чавандозлари халқаро мусобақаларда Германия, Голландия, Польша сингари хориж давлатларидан катта маблағ эвазига олиб келинган айғирлар билан иштирок этаяпти.

Савол туғилади: юртимизда спорт отлари етиштириш имконсизми?

— Имкони бор, албатта, — дейди суҳбатдошимиз. — Бунинг учун наслчилик ишларини яхшилаш, шунингдек, соҳа тараққий этган давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Қарорда айни шу йўналишлар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, яқинда от спорти бўйича Осиёнинг энг кучли давлати ҳисобланган Қатарда бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтдик. Энг муҳими, зоотехник, мураббий, ветеринар, тақачи ва чавандозларни ушбу мамлакатда доимий равишда бепул ўқув курсларига жалб этиб, тажрибасини ошириш бўйича келишувга эришдик. Бундай ҳужжат Россия от спорти федерацияси билан ҳам имзоланиши кутилаяпти.

### Қорабайир — миллий ғуруримиз

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига қилган ташрифида йилқичиликда наслчиликни сақлаш ва ривожлантириш, айниқса, Қорабайир зотини кўпайтириш бўйича зарур йўл-йўриқ ҳамда кўрсатмалар берган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки пайдо бўлиши ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлган мазкур зот миллий ғуруримиз, ифтихоримиздир.

— Қорабайир ўзининг қатор биологик хусусиятлари билан бошқа зотлардан устунликка эга, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Дўстмуҳаммад Холмирзаев. — Яъни тоғ шароитига яхши мослашади, иссиқ ва совуққа бардошли. Пойгада, айниқса, узоқ масофага чопиш, тўсиқлардан сакраб ўтишда бошқа отлардан асло қолишмайди. Миллий от спорти — "Кўпкари" мусобақаларида эса унга тенглашадигани топилмайди.

Қорабайир отларининг тана тузилиши ўта хушбичим ва қотма бўлади. Тўши кенг, бўйни қисқа эса-да, анча йўғон, қарчиғайи унча баланд эмас. Ранги, асосан, қора, тўриқ, жийрон, кўк, малла, чавкар, шунингдек, саман тусда бўлади.

От табиатан ҳуркак жонивор ҳисобланади. Аммо бу — Қорабайирга ёт хислат. У довюраклиги, жанговарлиги билан чавандозлар ишончини, ишқибозлар меҳрини қозониб келмоқда. Юртимизда бу зотнинг "Оловхон", "Ўзбекистон" каби типлари яратилган. Бу борадаги изланишлар якунига етказилмагани ачинарли. Аммо Қорабайир генофонди сақлаб қолингани энг катта муваффақиятдир.

Президентимиз ташрифидан сўнг Яккабоғ туманида ушбу ноёб зотли отларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган замонавий мажмуа бунёд этилмоқда. У 2018 йилнинг 1 январига қадар фойдаланишга топширилиши, 200 тагача йилқи боқилиб, учқур тулпорлар етказиб берилиши кўзда тутилган.

Дарвоқе, айни пайтда пойтахт вилоятидаги "Машъал", "Баркамол авлод болалар от спорти" сингари от клубларида ҳам Қорабайирни кўпайтириш йўлга қўйилган.

### Олимпиадага ўз отларимиз билан борамиз

Очиғи, дунёда от зотлари жуда кўп. Лекин улар орасидан Қорабайир, Ахалтака ва немис зотларига талаб нисбатан катта. Нега?

— Негаки, улар ўз йўналиши бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга, — дея изоҳ беради Эльдар Анарбаев. — Пойгада Ахалтака, тўсиқлар ошиб югуришда немис зотлари, миллий от ўйинларида Қорабайир чиндан-да тенгсиз. Шунинг учун юртимиздаги от заводлари, йилқичилик хўжаликларида ушбу зотларни кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилашга жиддий аҳамият берилаяпти. Чунки олдимизга Олимпиада ўйинларига ўз отларимиз билан боришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Шу ўринда 2018 йилда Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон кубогининг финал босқичи ҳақида тўхталиб ўтсак. Унда дунёнинг энг сара отлари билан энг кучли 40 нафар чавандоз иштирок этса, шулардан бири — ўзбекистонлик Нуржон Тўёқбоев эканлиги таҳсинга лойиқ. У "Олтин лига" номи билан машҳур бўлган ушбу нуфузли мусобақанинг тўсиқлардан от сакратиш тури бўйича йўлланмасини "КингКорнет" лақабли тулпори билан Марказий Осиё лигасининг уч босқичида ҳам Гран-при соҳиби сифатида қўлга киритди.

Аслида, жаҳон кубогида қатнашишнинг ўзи — шараф. Аммо биз мақсадни юксак қўйиб, чавандозимиз совринли ўринларни эгаллашидан умид қилиб турибмиз.

Айтиш жоизки, юртимизда спорт отлари етказиб берадиган от заводи яна биттага кўпаймоқда. Пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманида немис зотли отларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган "Ўзбек спорт отлари" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилаяпти.

Унинг биринчи босқичида 40 миллиард сўм миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, отхоналар, машғулот ва мусобақа ўтказиладиган майдонлар қурилади. Энг асосийси, Германиядан наслли биялар олиб келиниб, 2018 йилда 50 та қулун олиниши кутилаяпти. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 200 тага етказилиши қувонарлидир.

Келажакда бу ерда дунё стандартларига жавоб берадиган лаборатория, замонавий жарроҳлик маркази ишга туширилиши, ҳудудларда эса филиаллари ташкил этилиши режалаштирилган.

### Ноёб арғумоқлар маскани

Ҳозирги кунда республикамизда 13 та наслчилик хўжалиги фаолият юритаётгани, мавжуд отлардан 11 минг 116 боши наслдорлиги, жумладан, 527 боши наслли бия эканлигини инобатга оладиган бўлсак, зотдор отларни кўпайтириш имкониятимиз юқорилиги ойдин бўлади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" от заводида ноёб тулпорлар сирасига кирадиган Ахалтака зоти кўпайтирилади.

— Президентимиз Тошкент вилоятига ташрифи давомида от заводимиз фаолияти билан яқиндан танишиб, соҳани ривожлантириш, айниқса, наслчиликни яхшилаш, зотдор тулпорларни кўпайтириш бўйича қимматли маслаҳатларини берди, — дейди "Ўзбегим отлари" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аваз Исмоилов. — Бу эса бизни янги лойиҳаларни амалга ошириш, фаолиятимизни кенгайтиришга руҳлантирди. Айни пайтда қўшимча отхоналарни қуриш ишларини бошлаб юбордик. Яна бир муҳим йўналиш, яъни Ахалтака отларининг янги линияларини яратиш устида изланаяпмиз. Булар тез орада ўз самарасини беради.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ахалтака зоти бундан беш минг йил муқаддам пайдо бўлган қадимий от тури ҳисобланади. Улар учқурлиги, абжирлиги, чидамлилиги, кўркам кўриниши билан алоҳида ажралиб туради. Олимлар бу зот аслида бизнинг заминимизда пайдо бўлган, деган фикрни илгари суришади. Ушбу арғумоқлар, асосан, ҳозирги Фарғона водийси, Хоразм вилояти ҳудудларида учраган. Бироқ унинг генофонди Туркманистонда сақланиб қолган.

— Дунёда мавжуд Ахалтака отларининг қарийб 10 фоизи бизнинг заводимиз улушига тўғри келади, — дейди зоотехник Галина Славская. — Уларнинг аксарияти мамлакат ва халқаро миқёсдаги чемпионатлар иштирокчиси ҳамда совриндори, айтиш мумкинки, Ўзбекистон фахрига айланган. Мисол учун, "Галлас" лақабли тулпор ёш айғирлар ўртасида жаҳон чемпиони, мутлақ Осиё чемпиони ҳисобланади. Унинг чиройли хатти-ҳаракатлари, йўртиб юришини айтмайсизми?!

Галина Славская билан бир бор суҳбатлашган киши отлар оламига шўнғиб кетади. Бу соҳа фидойиси беназир жонзотлар нимани хуш кўриши-ю, парваришлашда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлигини жуда яхши билади. Таъбир жоиз бўлса, отчиликда ўзига хос мактаб яратган. Эътиборли жиҳати, у от заводидаги 300 га яқин йилқилар эришган натижаларнигина эмас, балки улар қайси айғир ёки биядан урчигани-ю, барча кўрсаткичларини йилма-йил ёддан айтиб беради.

— От — меҳрталаб жонивор, — дейди Г. Славская — Ундан эътиборингизни аямасангиз, энг содиқ дўстга айланади. Айниқса, спорт отларини етиштиришда бу ўта муҳим жиҳат саналади. Шунинг учун заводимизда йилига 60 та тойчоқ олинса, уларнинг ҳар бири парваришига алоҳида ёндашамиз. Натижада халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спорт отлари сони тобора кўпаймоқда.

Бугун йилқичилик ва от спорти тармоғида туб ўзгаришлар даври бошланди. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан мазкур жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларда ҳеч бир масала эътибордан четда қолмаяпти. Спорт, хизмат отлари етиштириш, наслчиликни яхшилаш баробарида, тизим моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, отчопарларни халқаро андозаларга мувофиқ, қайта қуриш ва модернизациялаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар яқин йилларда ўзбек йилқичилиги ва от спорти довруғини дунёга кенг ёйишга хизмат қилишига ишонамиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## «Тановар» жозибаси

*Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган X халқаро "Сочи. Санъат. Дунё" рақслар кўрик-танловида Гулистон шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказининг рақс тўгараги аъзоси Ҳусниада Абдусаломова энг юқори ўринни эгаллади.*

**ЭЪТИРОФ**

Бинобарин, истеъдодли вакилимиз ижро этган ўзбек миллий рақс санъати дурдоналаридан бири — "Тановар" ҳакамлар ва томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, Ҳусниада эгнидаги атлас либос ҳам барчанинг ҳайратини оширди.

— Танловда дунёнинг 48 та давлатидан вакиллар иштирок этди, — дейди Гулистон шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази директори Нилуфар Маматқулова. — Албатта, ана шундай нуфузли ижодий кўрикда миллий рақс санъатимиз намунасининг биринчи ўринга лойиқ топилганидан чексиз гурурландик.

Айтиш лозимки, айни чоғда, Ҳусниада қатнаётган масканда 120 ўқувчи турли йўналиш бўйича ўз истеъдодини камол топтиряпти. Вилоят бўйича эса 4698 нафар ўғил-қиз "Баркамол авлод" болалар марказларининг фаол аъзоси ҳисобланади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт

*Хитойда шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз вакиллари саккизта олтин, олтита кумуш ва тўртта бронза медалга сазовор бўлди.*

## Ўзбекистон ёшлари — Осиёнинг энг кучли шахматчилари



Қитъа биринчилигининг етти ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги беллашувларида Афрўзабону Рўзиматова бир олтин, иккита кумуш медални ютиб олди. Тўққиз ёшгача қизлар беллашувида Зилола Актамова блиц йўналишда биринчи, рапид йўналишда учинчи натижани қайд этди.

Ўн бир ёшгача бўлган қизлар баҳсларида Умида Омонова стандарт ва блиц шахмат бўйича ғолибликка эришиб, рапид йўналишда кумуш медаль билан тақдирланди. Ушбу ёш тоифасида ўғил болалар ўртасида Олмос Раҳматуллаев рапид ва блиц йўналишларида олтин, стандарт шахмат бўйича эса кумуш медалга эгалик қилди.

Ўн уч ёшгача қизлар мусобақасида Юлия Хегай иккита кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди. Худди шу ёш тоифасида ўғил болалар ўртасида Мирфайз Суннатов блиц йўналишда учинчи ўриндан жой олди.

Ўн беш ёшгача қизлар мусобақасида Ситора Сапарова рапид йўналишда Осиё чемпиони бўлди. Стандарт шахмат бўйича учинчи ўринни эгаллади.

## Атлетларимизнинг ажойиб совғаси

*Атлетларимизнинг Непалнинг Катманду шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муносиб иштироклари кўпчиликни ҳайратга солди.*

Маълумки, оғир атлетика ҳар бир мамлакат аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний салоҳияти ва саломатлигининг ўзига хос барометридир.

Машҳур атлетимиз Руслан Нурудиновнинг жаҳон майдонларидаги ғалабалари, юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол вояга етишлари учун яратилган имкониятлар самарасини кўрсатиб берганди. Осмонўпар тоғлар мамлакати Непалда ёшларимизнинг қўлга киритган 11 олтин, 6 кумуш, 12 бронза медали навқирон авлодга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий натижасини тасдиқлайди.

## Умумжамоа ҳисобида биринчи



*Латвияда стол тенниси бўйича ташкил этилган халқаро турнир ҳам вакилларимиз учун эсда қоларли бўлди.*

Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 3 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Бугун Хитой, Жанубий Корея, Япония, Германия спортчилари стол тенниси мусобақаларида рақибларига, очиғи, аксарият ҳолларда ҳеч қандай имконият қолдирмайди. Шу маънода, Латвиядаги турнир Марказий Осиёда кучлилар билан тенгма-тенг баҳслашишга қодир янги жамоа майдонга чиқиб келаётганига асосли ишора сифатида умид уйғотди десак, муболаға эмас.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қўмита раиси Баҳром Кўчқоровга отаси **Тўлқин КЎЧҚОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 847 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ижроси сифати учун «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6